

**“Қўқон ёғ-мой” акциядорлик
жамияти кузатув кенгашига**

**“ Қўқон ёғ-мой ” АЖ ички аудит хизмати томонидан
2020 йил 4 чорак якуни буйича бажарилган ишлар юзасидан**

ХИСОБОТ

АНАЛИТИК КИСМ

**Бизнес-режа бажарилишини бориши юзасидан текшириш натижалари
буйича хисобот**

Ишлаб чиқаришдан олинган махсулотларни натура курсаткичлари:

т/р		Ўлчов бир-ги	КУРСАТКИЧЛАР.			
			Режада	Хақиқатда	%	Фарқи
1	Ишланган техник чигит	Тонна	75950	140270	185	+64320
	Шу жумладан: пахта чигити	Тонна	75950	140270	185	+64320
2	Ишлаб чиқарилган қора ёғ	Тонна	12578	22980	183	+10402
	Шу жумладан пахта ёғи	Тонна	12578	22980	183	+10402
3	Қора ёғ чиқиши	%	18,65	18,43	-	-0,22
4	Оқланган ёғ	Тонна	10294	20868	203	+10574
	Шу жумладан: пахта ёғи	Тонна	10294	20868	203	+10574
5	Қадоқланган ёғлар	Тонна	10290	20870	203	+10580
	Қадоқланган пахта ёғ	Тонна	10290	20870	203	+10580
6	Пахта кунжараси(шрот)	Тонна	34026	62802	185	+28776
	Кунжара чиқиши	%	44,80	44,77		-0,03
7	Шелуха	Тонна	24076	44830	186	+20754
8	Шелуха чиқиши	%	31,70	31,96		+0,26
9	Хужалик совуни ишлаб чиқариш	Тонна	3300	5055	153	+1755
10	Ишловчилар сони-жами	Киши	750	649	86,53	-101
11	Умумий ўртача иш хақи	сўм	1515274	2638417		

Юкоридаги жадвалда келтирилганидек 2020 йил 4 чорак якуни буйича жамиятнинг бизнес режасини бажарилиши тахлил килинганда махсулот ишлаб чиқаришнинг асосий хом - ашёси бўлиб ҳисобланган пахта техник чигитини режага нисбатан **64320 тонна куп ишланиши натижасида** асосий махсулот булмиш кора ёғнинг режага нисбатан 10402 тоннага, пахта кунжарасини 28776 тоннага, шелухани 20754 тоннага куп олинисига ижобий таъсирини курсатган. Махсулот ишлаб чиқарилишининг ортиши уз навбатида меҳнатга ҳақ туловини ҳам кутарилишига, режага нисбатан уртача иш ҳақини 1,74 баробарга ортишига олиб келган..

2020 йил молия хужалик фаолиятининг якуни буйича молиявий натижаларни тахлили

млн.сум

Курсаткичлар номи	Режада	Ҳақиқатда	Бажарилиш %
Махсулот сотишдан соф тушум	206157	410155	199
Сотилган махсулот ишлаб чиқариш таннархи	179907	379008	211
Ялпи фойда	26250	31148	119
Давр харажатлари, жами	14326	13862	97
шундан: сотиш харажатлари	3204	1933	60
маъмурий харажатлар	982	1292	132
бошка операцион харажатлар	10140	10637	105
Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари	1411	213	15
Асосий фаолиятнинг фойдаси	10513	17499	166
Молиявий фаолият буйича даромадлар, жами	735	4037	5,5 баробар
шундан: Фоиз куринишидаги даромадлар	100	143	143
Дивиденд куринишидаги даромадлар		26	
Валюта курси фаркидан даромадлар	535	3616	6,76 баробар
Молиявий фаолият буйича бошка даромадлар	100	252	252
Молиявий фаолият буйича харажатлар, жами.	12520	19781	158
шундан: Валюта курси фаркидан зарарлар	8000	11017	138
Фоизлар шаклидаги харажатлар	4520	8764	194
Молиявий фаолият буйича бошка харажатлар	*	*	*
Фойда солигини тулагунга қадар фойда	1551	1754	113
Чегириладиган харажатлар СК 307 модда		491	
Солик солинадиган фойда (1754317+491301)2245618	1551	2246	
Фойда солиги	186	333	
Бошка солиқлар			
	1365	1421	104

Юкоридагидан куришиб турганидек 2020 хисобот йили якунининг соф фойдаси 1 421 300 (бир миллиард турт юз йигирма бир миллион уч юз) минг сумга етиб хисобот йили режаси 104 фоизга бажарилган.

Корпоратив бошқарув принципларига риоя қилинишини текшириш натижалари буйича хисобот

“Қўқон ёғ мой” акциядорлик жамияти бошқарув раисининг чораклик хисоботлари, шунингдек, «Қўқон ёғ мой» АЖ ички аудит хизматининг чораклик хисоботлари жамият кузатув кенгаши томонидан мунтазам куриб борилиб, йигилиш баёнлари расмийлаштириб борилган.

Жамият кузатув кенгашининг йигилишлари мунтазам режа асосида утказиб борилган ва унда жамиятнинг молия хужалик фаолиятига дахлдор ва корпоратив бошқарувга дахлдор масалалар куриб борилиб тегишли қарорлар қабул қилиб борилган.

Тафтиш комиссияси томонидан ҳар чоракда аффилиланган шахслар буйича маълумот кузатув кенгашига тақдим қилиб келинган.

Бухгалтерия ҳисоби ҳолати ва молиявий хисоботларни тузилишини текшириш натижалари буйича хисобот

«Қўқон ёғ мой» АЖда бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БХМС) ва «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга ҳамда қорхона бошқаруви томонидан тасдиқланган «Ҳисоб сиёсати»га мувофиқ олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги Қонунининг 7-моддасига асосан қорхонада ички ҳисоб ва ҳисобот учун «Ҳисоб сиёсати» ишлаб чиқилган ва 2019 йил учун буйруқ асосида қўқонга киритилган. Унда бухгалтерия ҳисоби юритилиши, молиявий хисоботларни тузилиши ва тақдим қилиниши, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий хисоботлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш методологияси курсатиб берилган.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш маъсулияти бухгалтерия бўлимига, хужалик операцияларини амалга ошириш эса тегишли бўлинмаларга юкланган.

Бухгалтерия ҳисоби тулик моддий жавобгар шахс бўлмаган бош ҳисобчи томонидан назорат қилинади. Нақд пул маблағлари буйича моддий жавобгар шахс қассир ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш штат жадвалига асосан маълум шахсларга юклатилган. Моддий жавобгарлик штат жадвалига асосан маълум шахсларга юклатилган ва улар билан тулик моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилган. Қорхонада юкоридагидек ички назоратни урнатилиши маълум равишда турли упирилиш, талон тарожликлардан ҳимояланган.

Аналитик ҳисоб ойма-ой юритилади, журнал-ордер тузилади, бош китоб юритилади, ҳар ойда бажарилган ишлар умумлаштирилади ва ўз вақтида мунтазам юкори ташкилотларга, солиқ ва статистика органларига тақдим қилинган.

Ишларни бажариш, товар ва хизматларни сотиш ҳисоби, ҳисоб-китоб ҳужжатларини харидорларга такдим қилиш (счёт-фактура, юк хати ва х.к.) Солик Кодексига мувофиқ амалга оширилган.

“Бухгалтерия ҳисоби тугрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ солиқ ва мажбурий ажратмалар ҳисоблаш усулига асосан пул маблағлари тўловларидан катъий назар қайси даврда амалга оширилган бўлса, ўша даврда тан олинади ва акс эттирилади.

Чорак якуни солиқ ҳисоботлари солиқ қонунчилигига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган, Адлия Вазирлиги томонидан 21.01.2008 й.да №1760 ракам билан руйхатга олинган “Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари”га мувофиқ тулдирилган ва такдим қилинган.

Жамиятда 2020 йил якуни бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзлар кўрилганда қуйидаги ҳолатда бўлганлиги аниқланди. Жумладан:

Жамиятнинг 2020 ҳисобот йили бошига ташкилот ва корхоналардан бўлган дебиторлик ҳақлари 36 019 562,0 минг сўми ташкил этган бўлиб, 2020 йил охирига келиб 36 093 731,0 минг сўмга етиб, йил бошига нисбатан 74 169,0 минг сўмга ортган.

Кредиторлик қарзи эса йил бошига 14 930 488,0 минг сўми ташкил этгани ҳолда йил охирига келиб 18 532 111,0 минг сўмга етиб, йил бошига нисбатан 3 601 623,0 минг сўмга ортган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тугрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 51-моддаси (Дивидендларни тулаш тартиби)га асосан жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тулаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Дивидендларни тулаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставда ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тулаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

2020 йил 1 январ ҳолатига туланадиган дивидендлар бўйича қарздорлик 995 891,0 минг сўми ташкил этган бўлиб, йил охирига келиб мазкур қарздорлик деярли сундирилиб 117 525,0 минг сўм қарздорлик қолган.

Хўжалик операцияларини амалга оширишда жамият томонидан қонунчилик талабларига риоя қилиниши.

Молиявий-хўжалик операцияларини амалга оширишда «Қуқон ёғ мой» АЖ томонидан Ўзбекистон Республикасининг соҳага доир амалдаги қонунчиликларидан жиддий четлашишиш ҳолатлари мавжуд бўлмасада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб китоблар уз вақтида утказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш борасидаги чора тадбирлар тугрисида»ги 1154 сонли Фармонинг талаблари етарли бажарилмаган. Жумладан: Ҳисобот йили якунига келиб юқорида келтириб утилганидек кредиторлик қарзлар йил бошига нисбатан 24 фоизга ёки 3 601 623 минг сўмга усган.

Ички назорат тизими ҳолатини текшириш натижалари буйича ҳисобот

Корхонада 2020 йил учун «Қўқон ёғ мой» АЖнинг такомиллашган ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилган. Унда вазифаларни тақсимланишини маълум даражада таъминлайдиган бошқарув ва функционал алоқалар акс эттирилган. Умуман корхона ташкилий тузилмаси унинг фаолият куламига мос келади.

«Қўқон ёғ мой» АЖда булимлар, хизматлар, цехлар, уларнинг ҳужжат алмашинуви, ҳужжатларни тақдим қилиш муддатлари акс эттирилган булимлар ва хизматлар тугрисида Низом ишлаб чиқилган. Шунингдек, штатдаги ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган лавозим йуриқномалари ҳам ишлаб чиқилган.

Маъмурият томонидан тегишли тартиблар жорий қилинган, ходимлар томонидан унга тўлиқ риоя қилинади.

Активлар ҳолатини текшириш натижалари буйича ҳисобот

Молиявий операцияларни амалга ошириш ва бухгалтерия утказмаларини амалга оширишда корхона булинмалари томонидан хатоларга йул қуймаслик мақсадида химоя тизими мавжуд. Хар қайси булинма уз вазифасини бажаради ва узаро боглик булинмага ҳисоб беради, натижада барча булинмалар марказлашган ҳисобот учун бош бухгалтер раҳбарлигидаги бухгалтерия булимига тақдим қилади.

Бундан ташқари, маъмурият томонидан корхона активларини яроқли ва бут холда сақланиши учун чора-тадбирлар қурилган:

- корхона қассаси сигнализация билан таъминланган, метал эшик урнатилган, алоҳида хонада жойлашган ва пул маблағлари махсус метал сейфда сақланади;
- моддий бойликлар махсус жиҳозланган омборхоналарда ваколатли моддий жавобгар шахслар назоратида сақланади;
- корхона ҳудуди қуриқлаш хизмати ходимлари томонидан кечаю-кундуз қуриқланади;
- товар-моддий бойликлар, асосий воситалар, ҳужжатлар қуриқлаш хизмати томонидан қуриқланади;
- видеокузатув тизими урнатилган.

Умуман корхона товар-моддий бойликлари сақланиш назорати таъминланган.

Тузиладиган ҳужалик шартномаларини уларнинг қонунчилик талабларига мувофиқлигини экспертизадан утқизиш

Шартномаларни руйхатга олиши ва шартнома шартларини бажарилишини назорат қилиш корхона юридик булими зиммасига юқланган.

Жамиятда 2020 йил учун шартномаларни руйхатга олиш китоби очилиб юритилган. рақамланган, тикилган, корхона раҳбарининг имзоси билан тақдикланган ва корхона муҳри босилган. Хом-ашё ва материалларни харид қилиш Узбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаларининг аукцион савдоларида амалга оширилади.

ЯКУНИЙ КИСМ

Баланс курсаткичларининг иктисодий тахлили

Жамиятнинг молиявий-иктисодий ахволини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси жамиятларнинг иктисодий нобаркарорлиги ишлари буйича Кумитаси Карори билан 16.03.2005 йилда № ГС-05/0271/1 ракам билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 14.04.2005 йилда № 1469-ракам билан руйхатга олинган Низомга мувофиқ динамиклик курсаткичларини аниқлаймиз:

1. *Туловга қобилиятлилик коэффициентини* жамиятнинг қиска муддатли мажбуриятлар юзасидан туловга имкониятини курсатади, бунда факатгина уз вақтида копланадиган дебитор қарздорликни ва тайёр маҳсулотни тусиксиз сотиш билан, балки баланснинг бошка жорий (оборот) активлари билан ҳам баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши Жамиятнинг туловга қобилияти пасайганлигини курсатади.

Коэффициент куйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{пл} = \frac{\text{Жорий (оборот) активлар}}{\text{Мажбуриятлар - Узок муддатли мажбуриятлар}} = \frac{A2}{П2 - ДО}$$

бунда: А2 – жорий (оборот) активлар (ишлаб чиқариш запаслари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарздорлик ва бошкалар)

П2 – мажбуриятлар

ДО – узок муддатли мажбуриятлар.

$$K_{пл} = \frac{121864746}{(136305381 - 117773270) 18532111} = 6,57$$

Жамиятнинг тулов қобилиятлилик коэффициентини 6,57 булиб, норматив курсаткич буйича туловга қобилиятлилик коэффициентини 1,25 дан кам булмаслиги керак. Демак, ушбу курсаткич буйича жамият туловга қобилиятли хисобланади.

2. *Ўз маблағлари ва қиска муддатли маблағлар хисобига қайтариш коэффициентини* куйидаги формула буйича аниқланади.

Коэффициент куйидаги формула билан аниқланади:

$$K_{сс} = \frac{П1}{П2 - ДО};$$

П1- ўз маблағлари манбалари

П2- мажбуриятлар

ДО-узок муддатли мажбуриятлар

$$K_{сс} = \frac{18030070}{(136305381 - 117773270) 18532111} = 0,97$$

Белгиланган норматив хужжатларга асосан уз ва киска муддатлик заём маблагларини таккослаш коэффиценти Узбекистон Республикаси худудид 1,25 дан кам булса, бундай ташкилот молиявий таваккалчилик оркали ишловчи жамият хисобланади. Юкоридаги формула буйича хисобланган коэффицент 0,97 булиб, жамиятнинг уз маблаглари ва киска муддатли маблаглар хисобига кайтариш коэффиценти уртача эканлигини курсатмокда.

3. Харажатларнинг рентабеллик коэффиценти корхона молиявий-хужалик фаолиятининг фойдалилик (зарарлилик) даражасини курсатади.

Харажатларнинг рентабеллик коэффиценти куйидаги формула оркали аникланади:

$$K_{pp} = \frac{\text{Пудн}}{P};$$

бунда: Пудн – фойда солигини тулагунга кадар фойда (5 устун, 240 сатр, ёки зарар – минус билан 6 устун, 240 сатр №2-шакл «Молиявий натижалар тугрисидаги хисобот»);

P – жами харажатлар (№2-шакл «Молиявий натижалар тугрисидаги хисобот» – сатрлар суммаси (020 + 040 + 170 +230 6 устун)

$$K_{pp} = \frac{1754317}{379007705 + 13861612 + 19781094 + 0} = \frac{1754317}{412650411} = 0,004$$

Узбекистон Республикаси худудида рентабеллик коэффиценти хисобот даври учун:

- агар нолдан паст булса (манфий кийматга эга булса), у холда корхона зарарга ишлаётган;

- агар 0,05 дан паст булса, у холда корхона паст рентабелли (монополист-корхоналардан ташкари) хисобланади.

Демак, жадвалдаги ракамни яхлитлаб олинганда корхона молия хужалик фаолиятининг рентабеллик даражаси 0,004 фоизни ташкил этган булиб мазкур курсатгич корхонанинг рентабеллик даражаси белгиланган меъёрдан 0,001 фоиз камлигини курсатади.

4. Ўз айланма маблаглари билан таъминланганлик коэффиценти корхона мулкдорлари ва кредиторларининг манфаатлари нисбатини молиявий баркарорлигини таъминлаш учун зарур булган корхонанинг уз айланма маблаглари мавжудлигини тавсифлайди.

Коэффицент куйидаги формула оркали аникланади:

$$K_{oc} = \frac{(П1 + Дзк2) - A1}{A2};$$

бунда: A1 – узок муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал куйилмалар ва бошкалар.; баланс активининг I кисми, 130 сатр);

П1 – ўзлик маблағлар манбаи (устав капитали, резерв капитали, кушилган капитал, таксимланмаган фойда ва х.к.; баланс пассивининг I қисми, 480 сатр);

Дзк2 – узок муддатли активлар харид қилиш учун ҳисоблаш йули билан йуналтирилган узок муддатли қарзлар ва кредитлар, бухгалтерия баланси 570 и 580 сатрлари)

А2 - жорий активлар жами (баланс активининг 2 қисми 390 сатр)


Ушбу қасрнинг сурати узлик маблағларнинг қанча қисми айланма маблағларга йуналтирилганлигини, махражи жами айланма маблағлар суммасини курсатади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик қоэффицентининг минимал қиймати Узбекистон Республикаси ҳудудида - 0,2. Агар қоэффицент 0,2 дан қам бўлса, у ҳолда қорхона уз айланма маблағлари билан таъминланмаган ҳисобланади.

$$\text{Кос} = \frac{(18030070 + 115246092 + 2527178) - 32470705}{154335451} = \frac{103332635}{154335451} = 0,67$$

Демак, қорхона ўз айланма маблағлари билан етарли таъминланган.

“Қўқон ёғ мой” АЖ ички
аудит хизмати ходимлари:



Назаров М.
Хошимов Ш.